ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

O'ZBEKISTON OQSOQOLLAR KENGASHI "MAHALLA"

MAHALLA

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «МАҲАЛЛА» жамғармасининг нашри

№ 18-19 (245-246) | 2001 йил 4 май, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ РОССИЯГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

3 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлат ташрифи билан Россияга жўнаб кетди.

Ташриф олдидан давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

- Россия халқаро майдонда нуфузи анча баланд давлатлар сирасига киради,- деди жумладан Президент. - Давлатлараро муносабатларда унинг катта салоҳияти ва имкониятларининг инобатга олиниши табиий. Бинобарин, у билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, турли соҳалардаги ўзаро алоқаларни янги поғоналарга кўтариш Ўзбекистоннинг эртанги куни учун ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги ўн йил мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида улкан ижобий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакат халқаро майдонга чиқди, кўплаб давлатлар билан кенг алоқаларни йўлга қўйдик. Айниқса, яқин шеригимиз саналган Россия билан ҳам алоқаларимиз барқарорлашди. Энди икки томон учун ҳам муҳим вазифа ўзаро тенглик асосига қурилган мавжуд алоқаларни давлатларимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда янада мустаҳкамлашдан иборатдир.

Бугун Ўзбекистонга жануб тарафдан таҳдид мавжудлиги кўпчиликка сир эмас. Президент Ислом Каримовнинг сўзларига қараганда, бу қалтис вазиятга эътиборсиз қараб бўлмайди. Мамлакатимизда, қолаверса, Марказий Осиё минтақасида тинчликни сақлаш айни пайтда энг долзарб ва муҳим масалалардан биридир. Хавфсизлик борасида Россия билан ҳамкорликни кучайтириш, айниқса, унинг ҳарбий ва ҳарбий-техникавий имкониятларидан фойдаланиш Ўзбекистон учун жуда муҳимдир. Бу мақсадлар замирида халқимизнинг нафақат бугуни, балки эртанги фаровон ҳаётини таъминлаш ётибди, деди давлатимиз раҳбари.

Бугунги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий соҳадаги салоҳиятдан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Ўтган йили ўзаро савдо ҳажми 1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу кўрсаткич қудратли Россия ҳамда юксак тараққиёт сари одимлаётган Ўзбекистон учун камлик қилади. Мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилса, томонлар ушбу рақамни 2 миллиардга кўтариши ҳеч гап эмас, бунинг учун шароит бор, деб таъкидлади Президент.

Россия ҳукумати раислигига Владимир Путин тайинланганидан сўнг, Ўзбекистон-Россия муносабатларида янги саҳифа очилди, десак хато бўлмайди. В.Путин ўзининг давлат раҳбари сифатидаги илк сафарини юртимиздан бошлаши эса Россиянинг Ўзбекистонга қизиқишининг, қолаверса, уни ўзининг Марказий Осиё минтақасидаги стратегик ҳамкори сифатида қадрлашининг яна бир исботи бўлди.

Ўзбекистон демократик Россия билан тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қилиш тарафдори. Шу мақсадда ушбу давлат ташрифига пухта тайёргарлик кўрилди, янги режалар, янги ҳужжатлар устида ишланди. Айни пайтда давлатларимиз ўртасида 150 та ҳужжат имзоланган. Президентимизнинг Россия Федерациясига бу галги ташрифи чоғида яна ўнта ҳужжат имзоланиши кутилмоқда. Жумладан, ўзаро муносабатларнинг бугунги аҳволи тўғрисида баёнот, чегаралар дахлсизлигини таъминлаш бўйича шартнома, шунингдек, ҳарбий-техникавий, божхона ҳамда солиқ қонунчилигига оид ҳужжатлар имзоланади.

4 май куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Россия Президенти Владимир Путин билан яккама-якка суҳбат қуради. Музокаралар сўнггида эса ҳужжатларни имзолаш маросими ўтказилади. Шу куни давлатимиз раҳбари Россия ҳукумати раиси Михаил Касьянов билан ҳам учрашади.

Ғайрат САЙДУЛЛАЕВ, ЎзА.

Хотира майдонида қадрдонлар номи битилган

◆ ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Эртага Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга бағишланган республика семинар-кенгаши бошланади.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИМИЗ

Семинар-кенгаш ташкилотчиларидан бири - Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВдан ана шу анжуманнинг мақсади ва умуман, ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти ҳамда мазкур органларга сайловнинг қонун-қоидалари ҳақида сўзлаб беришни сўрадик:

- Аввало, бугун мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўлажак сайловларга нима учун бунчалик катта аҳамият бериляпти, деган саволга жавоб излаш ўринлидир, деб бошлади суҳбатни Олий Мажлис Қўмитаси раиси А.Саидов. «Фуқароларнинг ўз турмуш ва бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этиш борасидаги фуқаролик жамияти тамойилларига тўлиқ мос келувчи фаол иштирок учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ғарб халқлари учун нотаниш, аммо миллий табиатимизга мос бўлган ўзини ўзи бошқарув усули - маҳаллани ривожлантириш ҳамда унинг мавқеини ошириш мамлакатимиз сиёсий ва давлат қурилишининг асосий хусусиятларидандир», деб таъкидлаганлар Юртбошимиз.

Эътиборли жиҳати шундаки, Асосий Қомусимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишга алоҳида бир модда (105-модда) бағишланган. Бу модда ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланиши кўрсатиб қўйилган.

Сайловни ташкил этиш юзасидан ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Маҳалла» жамғармаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари иштирокида республика семинар-кенгаши ўтказилади. Анжуманни ташкил этиш ва ўтказиш масъулиятини бизнинг Қўмитамиз, Парламентнинг бошқа қўмиталари ҳамда Олий Мажлис Котибияти зиммасига юкланган. Бундай кенг кўламли тадбирни ўтказишдан асосий мақсадимиз, аввало, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловда қонун ҳужжатлари талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлашга ҳамда сайловни ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказишга қаратилган. Фикримча, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли, ҳаётбахшислоҳотларнинг ҳозирги масъулиятли босқичида сайловнинг ташкилотчиларига ҳам, иштирокчиларига ҳам фуқаролар йиғинлари ўтказиш юзасидан қонун талаблари ҳамда тажрибали мутахассислар фикрларига асосланган тегишли амалий йўл-йўриқлар бериш мақсадга мувофиқдир.

Кейинги йилларда маҳаллаларнинг нуфузи тобора ошмоқда, маҳалла оқсоқоллари ва фаолларининг ҳуқуқ ҳамда масъулиятлари кенгаймоқда. Айни чоғда, келгуси оқсоқоллар ташкилотчилик, хўжалик ишлари билан бир қаторда, аввало, ўзини ўзи бошқариш масалалари билан кўпроқ шуғулланишлари тақозо қилинади. Шунингдек, фуқаролар йиғинларининг меҳр-мурувват, ёшлар тарбияси, жиноятчиликнинг олдини олиш, тадбиркорликни ривожлантириш борасида бугунги фаолиятини янада кучайтириш зарур бўлади.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддасида: «Фуқаролар йиғинининг раиси (оқсоқоли) тегишли туман, шаҳар ҳокими билан келишилган ҳолда, маслаҳатчилар эса - йиғин раисининг (оқсоқолнинг) тақдимномаси бўйича сайланадилар», деб кўрсатилган. Шундай экан, Олий Мажлис ташаббуси билан ўтказилаётган семинар-кенгашда бўлажак сайловда ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан раислар, оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кадрлар танлашда туман ва шаҳар ҳокимлари томонидан кўмаклашиш борасида мамлакат миқёсида ўзаро фикрлашиб олиш, тажриба алмашиш учун имконият яратилади.

Ўз округларида сайлов тадбирларини ташкил этишда фаол иштирок этишлари кўзда тутилаётган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, шунингдек, сайловни кенг ёритишга бел боғлаган оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам семинар-кенгаш давомида ўзлари учун фойдали маълумотлар ҳамда амалий тавсиялар оладилар, деб ўйлайман.

Сайлов жараёнида, айниқса, матбуот, телевидение ва радио сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайловни ёритишда вазифаси талабларидан келиб чиқиб, фуқароларимизнинг ўз фикрини эркин ифода этиш ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлашга астойдил хизмат қилиши лозим бўлади.

(Давоми 2-бетда.)

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ

уни танлаш кўп жиҳатдан сайловчига боғлиқ

Маълумки, шу йилнинг май-июн ойларида Олий Мажлис Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтади. Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати Шуҳрат ЖАЛИЛОВнинг ана шу жараён ҳақидаги фикрлари билан қизиқдик.

- Мамлакатимизда маҳалла, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови бундан икки ярим йил олдин, яъни 1998 йилнинг ноябр-декабр ойларида ўтказилган эди. Ушбу сайловга фуқароларимизнинг қизиқиши катта бўлганлигини республика аҳолисининг 70 фоизи иштирок этганидан ҳам яққол кўриш мумкин.

Шундан буён ўтган муддатда маҳалла, фуқаролар йиғинлари фаолиятида янгиликлар, воқеалар юз берди. Хусусан, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин, босқичма-босқич ўтказа бориш борасидаги дастурни амалий жиҳатдан рўёбга чиқариш йўлида залворли одим ташланди. Раис ҳамда масъул котибларга маҳаллий бюджетдан маош ажратилди, фуқароларнинг таклифлари асосида белгиланган тартибда 500 та ва ундан ортиқ оиладан иборат ҳудудларда ойлик билан таъминланадиган маҳалла фуқаролари йиғинлари, айни вақтда, аҳолиси кам бўлган тоғли, узоқ масофалардаги қишлоқ жойларда жамоатчилик асосида ишлайдиган фуқаролар йиғинлари фаолияти йўлга қўйилди. Бугунги кунда республикамизда ўн мингтага яқин маҳалла ва қишлоқ фуқаролари йиғинлари иш олиб бораяпти.

Маҳаллалар, фуқаролар йиғинларининг бугунги фаолияти жамиятда тутган ўрни ва аҳамияти хусусида гапириш мумкин. Лекин улар учун муҳим палла, яъни сайловга тайёргарлик кўриш жараёни олдида турган эканмиз, ижобий ишлар билан бирга қатор камчиликларга ҳам йўл қўйилганлигига, олдинда масъулиятли, долзарб вазифалар турганлигига кўпроқ эътиборни қаратишни лозим топдик. Энг катта камчилик шундаки, ҳамма маҳалла фаолларини ҳам яратиб берилган имкониятлардан тўлиқ фойдалана олаяптилар, деб бўлмайди.

(Давоми 2-бетда.)

ШУ сонининг

2-саҳифасида:

- Оқсоқоллар сайлови олдидан «Оқсоқол ўзи қандай одам бўлиши керак?» деган савол ҳаммани бирдек ўйлантиради, мулоҳазага чорлайди. Бу саволга ким қандай жавоб беради?
- Самарқанднинг Тепақўрғон маҳалласида сайловни «сийлов» қилмоқчи эмаслар.
- Оқсоқол «маҳалланинг қозонида қайнаган» одам бўлиши керак...

3-саҳифасида:

- «Танишинг, бу киши менинг Қаҳрамон бобом!»
- «Онам отамни 55 йил кутдилар!»
- ЖЭК ширкатга бир дона челак ҳам қолдиролмади...

4-саҳифасида:

- Ниятингиз пок бўлса, ибодатингиз қабулдир.
- Мунажжим нимани башорат қилибди?..

◆ 9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ

Мана уч йилдирки, мустақил Республикамизда 9 май — «Хотира ва Қадрлаш куни» сифатида кенг нишонланмоқда. Бу кун нафақат жанг майдонларида шаҳид бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган табаррук ёшдаги оталаримиз ва оналаримизга ҳам чексиз иззат ва эҳтиром кўрсатиш айёмидир. Шунингдек, она-Ватанимизнинг тараққиётига муносиб улушлар қўшган барча фахрийларимизни эъзозлаш, қадрлаш байрамидир.

ЭҲТИРОМ

Парвардигор инсонни ўзи яратган барча жонзотларнинг энг шарафлиси, азизу мукаррами бўлиши билан бирга зиммасида жуда муҳим вазифалари кўп бўлган зот эканлигини эслатади. Аллоҳ таоло инсонни яратиб, руҳ билан бирга ақл-идрок бахш этган.

Ислом дини кишиларни бир-бирларига нисбатан меҳру оқибатли бўлишга чақириб, уларни динидан, миллатидан қатъий назар, ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Бу нарса ўз навбатида жамиятнинг бирлигини кучайтиришга, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлаб, барқарорликни сақлашда катта аҳамият касб этади.

Диёримиз пойтахти Тошкент шаҳри марказида барпо этилган Хотира майдони халқимизнинг миллий қадриятлари, ўтганлар руҳига чуқур эҳтиромини ўзида мужассам этган, миллий меъморчилик анъаналарини тўла акс эттирган ҳақиқий зиёратгоҳга айланган.

Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунни тўғри тасаввур этиш, демакдир, деган эдилар ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов журналистлар саволларига жавоб бериб. Хотира инсонни келажакка очиқ кўз билан қарашга ўргатади. Шу боис, бугунги ёшлар оталаримизнинг юртимиз эрки ва озодлиги, миллатимиз равнақи йўлида чеккан заҳматлари, кўрсатган жасоратларини унутмаслиги даркор. Қадрлаш эса, хонадонларимизга файз-барака бағишлаб, қилаётган эзгу ишларимизга оқ фотиҳа тилаб ўтирган қарияларимизнинг ҳурматини жойига қўйишдир. Зеро, мўътабар отахон ва онахонларимизни ҳаётлигида қадрлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом:

«Бу дунёдан ўтган биродарларингизни яхши сифатларини эслангиз» деганлар. Шундай экан, ўтган аждодларимизни ҳамиша хотирлаб бизларга қолдириб кетган бой маданий-маърифий меросларини ўрганиб, уларни ҳозирги ҳаётимизга тадбиқ этишимиз керак.

Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.

«УЧАЁТГАН ТУРНАЛАР» — ТИНЧЛИК РАМЗИ

Ҳар бир одам хотирасида бир умрга муҳрланиб қоладиган воқеа-ҳодисалар бўлади. Одамзод шундай яралганки, қувончли дамлардан кўра, айрилиққа йўлиққан, дилбандидан жудо бўлган саналарни кўпроқ хотирлайди.

Бу йил ҳам 9 май - Хотира ва қадрлаш куни яқинлашгани сари эслашимиз, номини ёд этиб, ҳаққига дуолар айтишимиз лозим бўлган сиймолар бир-бир хотирамда гавдаланаверади. Улар исми-шарифлари шон-шавкатларга бурканган, тақдирлари, ҳаётлари авлодлар учун ўрнак олиш манбаига айланган ватандошларимиздир. Улар нафақат ўз исм-шарифларини, балки Ватан, миллат номини ҳам шарафларга кўмганлар.

Шаҳримизда «Турналар учмоқда» деб номланган ёдгорлик мажмуаси бор. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш кунида бу ерга халқ тинчлиги, осойишталиги учун жонини фидо этганлар, шаҳид кетганларни хотирлаш учун каттаю кичик, ёшу қари йиғилади. Сафимизни тўлдириб турган тирик тарих - мўътабар фахрийларимиз қуролдош дўстларини ёллайдилар, ёшлар уларнинг ҳикояларини тинглайдилар, эҳтиром кўрсатадилар. Суронли матонат, жасорат намуналарини кўрсатган оталари, боболарига муносиб бўлишга, уларнинг хотирасини доимо ёдда тутишга қасамёд қиладилар.

Шундай дамларда киши қалбини тинч ва фаровон ҳаётдан мамнунлик, ҳур ва озод Ватан фуқароси эканлигидан ифтихор, шукроналик туйғулари чулғаб олади.

Идрис ЖАЛИЛОВ. Чирчиқ.

3-саҳифада ⇨

MAHALLA

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар:
Хатлар бўлими: 136-53-75,
масъул котиб: 136-53-75
ижодий бўлимлар — 136-53-82,

Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

МУНОСИБ ОҚСОҚОЛНИ САЙЛАЙМИЗ

2001 йил 4 май
№ 18-19 (245-246)

«Шаҳар, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.»

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддаси.

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИМИЗ

(Аввали 1-бетда)

- Акмал Холматович, Қўмитангиз мазкур сайловни ўтказишни ташкил этишга доир яна қандай тадбирларда иштирок этмоқда?

- Ўтган галги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов даврида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси таркибида тўғридан-тўғри фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бўйича қонунчилик билан шуғулланадиган Қўмита ҳали мавжуд эмас эди. 2000 йилда янги Парламентнинг янги тузилмаси сифатида Қўмитамиз ташкил топди. Хўш, нима сабабдан Парламентда айнан шу йўналишдаги қонунчилик бўйича махсус Қўмита тузилди? Чунки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш кенг қамровли ислоҳотларимизнинг ҳозирги босқичидаги устивор вазифаларимиздан биридир. Шунинг учун, Олий Мажлис Кенгаши тасдиқланган сайловни ташкил этиш билан боғлиқ тегишли ҳужжатларда Қўмитамиз зиммасига ҳам муайян тадбирларни амалга ошириш масъулияти юкланган. Бундан ташқари, Олий Мажлис Кенгаши қарори билан тасдиқланган Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари қонунчилик ва назорат-таҳлил фаолиятининг 2001 йилга мўлжалланган режасига мувофиқ, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловга тайёргарликнинг бориши Қўмитамиз томонидан йилнинг биринчи ярмида амалга ошириш режалаштирилган назорат-таҳлил масаласи ҳисобланади.

Қўмитамиз томонидан жорий йил бошидан буён бу жабҳада қатор ишлар амалга оширилди. Даставвал, 2001 йилнинг май-июнь ойларида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказишни ташкил этишга қаратилган амалий ҳужжатларни ишлаб чиқишга ва бу ҳужжатларнинг Олий Мажлис Кенгашида муҳокама қилиниб, тасдиқланишига алоҳида эътибор берилди. Қўмита томонидан, шунингдек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун матни алоҳида китобча шаклида биринчи марта ўзбек ва рус тилларида нашр этилди ва ушбу китобчани ҳар бир фуқаролар йиғинига етказиш учун саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайловини ўтказишга доир тавсияларни ишлаб чиқиб жойларга юбориш, сайлов ўтказиш тартиб ва унинг аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритиб бориш борасида ҳам бир қанча ишлар бажарилади.

Бу жабҳадаги ишларимиз сайлов охиригача давом этади. Хусусан, Қўмитамиз сайловлар жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари юзасидан тушадиган таклифларни умумлаштириб боради. Шунингдек, Қўмита жорий йилнинг 15 июлига қадар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг сайлови якунлари тўғрисида Олий Мажлис Кенгашига ахборот бериши режалаштирилган.

- Бу сайлов бизга нима беради?

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловлар - ўзига хос демократия мактабидир. Сайловлар, биринчидан, фуқароларни сиёсий боқимандаликдан холос этиб, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширса, иккинчидан, жамиятда демократик кўникмалар ва қадриятларнинг янада мустаҳкамланиб боришини таъминлайди. Сайловчи ҳам, сайланувчи ҳам чуқур билсинки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқача айтганда, маҳаллалар - юртимиздаги тинчлик-осойишталикни сақлашда бизнинг таянчимиз ва суянчимиздир.

Қонунчилик нуқтаи назаридан қараганда, бўлажак сайловлар янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни амалиётда синовдан ўтказиш имконини беради. Ана шу ўзига хос имтиҳондан сўнг мазкур Қонуннинг қайси жиҳатлари маъқул ва қандай қўшимча ҳамда ўзгартиришлар киритишимиз керак, деган масала ойнадек равшанлашиши аниқ.

Айни чоғда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари - биз барпо этаётган адолатли фуқаролик жамиятининг бошланғич бўғини, демократиянинг пойдеворидир. Шундай экан, бу сайловлардан кутилаётган энг муҳим натижа, назаримда, мазкур органларга сайлов халқимизнинг ўзини ўзи бошқарув сари қўйган муҳим сифатида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари обрў-эътиборини янада юксалтиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Суҳбатдош:
Чори ЛАТИПОВ

«Mahalla»га жавоб:

«Сайловни сийлов қилманг.»

2001 йил 28 март

Ушбу мақолада Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги Тепақўрғон маҳалласида бўлиб ўтган оқсоқолликка сайлови ҳақида танқидий фикрлар билдирилган эди. Шу мақола юзасидан таҳририятимизга жавоб келди.

Нарпай тумани ҳокимлиги маълум қиладики, «Mahalla» газетасининг 2001 йил 28 мартдаги сонида босилган «Сайловни сийлов қилманг» номли мақоласида келтирилган масала юзасидан илгари ҳам туман ҳокимлигига Тепақўрғон маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаролардан бир-бирига қарама-қарши мазмундаги бир нечта аризалар тушган.

Шу сабабли ҳам ушбу масала 2001 йилнинг май ойида ўзини ўзи бошқариш органларида ўтказиладиган ҳисобот-сайлов йиғилишида кўриб чиқилиб, қонуний асосда ҳал қилиниши белгиланган.

Бу ҳақда ариза муаллифларига тушунтирилган.

Нарпай тумани ҳокими:
А.ЖАМИЛОВ

Абдул-ҚОДИР

ЭЛИМНИНГ ТУПРОҒИМАН

Оқсоқолнинг дил сўзи

Шукрким, аҳли маҳаллам бир суянган тоғиман.
Ҳар бирин кўнглин олиб, гўё саховат боғиман.
Менга қалқон юртдошимнинг ҳар сўзи, ҳар маъноси,
Суҳбатин кўрмоққа ҳар дам ташнаю чанқоғиман.

Гоҳ метинман, гоҳ пўлоту шерча бордир ғайратим,
Лек кўнгул нозиклигида гулни бир япроғиман.

Дўстларим кўп бир-биридан марду ҳимматда қуёш,
Халқ агар дарё эса, мен унинг ирмоғиман.
Бахтиёрман шу учунким, номи дунёга таниқ -
Шу азиз туққан элимнинг бир сиқим тупроғиман.

МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ

уни танлаш кўп жиҳатдан сайловчига боғлиқ

(Аввали 1-бетда)

Бунинг устига очиқ айтиш керакки, туман, шаҳар ҳокимликлари маҳалла вакилларига бошқарув ваколатини беришга унчалик шошилмаётирлар. Кўпчилик маҳалла оқсоқоллари ташкилотчилик, тўй-ҳашамларга бошқош бўлиш, хўжалик ишлари билан кўпроқ ўралашиб қолаётганлари натижасида асосий вазифалари - ўзини ўзи бошқариш масалалари устида камроқ бош қотираётганлари ҳам сир эмас. Шунингдек, маҳаллаларнинг меҳр-мурувват, маънавий-маърифий тарбия, ёшлар, хотин-қизлар билан ишлаш, жиноятчилик, қонун ва тартиббузарликларнинг олдини олиш, гиёҳвандликка чек қўйиш, диний экстремизм оқимларига қарши кураш, тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ишларини ҳам мукаммал, қониқарли, деб бўлмайди.

Шу ўринда бундай камчилик ва муаммолар қаердан келиб чиқаяпти ва асосан, нималарга боғлиқ, деган савол туғилиши табиий. Бизнингча, буларнинг асосий сабабларидан бири қатор туман, шаҳар, вилоятларда ўзини ўзи бошқариш органларини бошқараётган раҳбарларнинг, соҳа мутасаддиларининг янги шароитда ишлашга тайёр эмасликлари, тажриба ва билимлари етишмаётгани, эски кўникмалардан воз кечолмаётганларидадир.

Модомики шундай экан, республикамизда олий тоифадаги жамоатчи кадрларни ўқитиш, тайёрлаш тизимини шакллантириш керак. Афсуски «Маҳалла» жамғармаси қошида ташкил этилган «Маҳалла зиёси» ўқув-услубий марказининг бу соҳадаги фаолиятини қониқарли, деб бўлмайди. Назаримда, масалага бугунги оқсоқол қандай бўлиши керак, деган нуқтаи назар билан қарашимиз керак. Жамоат ишлари, ўзини ўзи бошқариш органи моҳиятини теран англайдиган, миллий ҳамда умуминсоний анъаналарни, қадриятларни яхши биладиган, назарий билимларни ҳаётга сингдира оладиган, халқнинг кўнглини топиб, уни ўзининг ортидан эргаштира оладиган жамоатчи кадрларни тарбиялаш ҳозирги асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Жамоат ишининг ўзига хос хусусияти ва талаби шундаки, у раҳбарми, оқсоқол ёки маслаҳатчими муайян касб ва билим эгаси бўлиш билан бирга ташкилотчи, миллий қадриятларни эъзозлайдиган, ватанпарвар, баркамол инсон бўлиши, шахсий манфаатини халқ манфаати билан қўшиб олиб борувчи, бағри кенг, холис, меҳри дарё, чин инсон бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз. Малакали кадрлар тайёрлаш учун шароитларни яратиб бериш, уларга таълим берадиган, малакасини оширадиган устозларни тарбиялаш масаласини ҳал этиш муҳим.

Ана шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, маҳалла раислиги ва маслаҳатчилигига номзодлар танлаш масаласига жуда катта масъулият билан қарашимиз лозим.

Сайловни пухта ташкил этиш ва ўтказиш муҳим аҳамиятга эга. Шу жиҳатда Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси иштирокида жамоатчилик фикрига таянган ҳолда намунавий Низом ишлаб чиқилди. Ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига раис ва раис маслаҳатчиларини сайлаш тадбирларини қонун талаблари асосида ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш, шунингдек, маҳалла, фуқаролар йиғинига амалий ёрдам кўрсатиш, аҳолининг сайловда қатнашишини таъминлаш ва кўмаклашиш мақсадида комиссия тузилади. Шаҳарча, қишлоқ ва овул фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, шунингдек, шаҳар, қўрғон, қишлоқ ва овул маҳаллаларига бўладиган сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳлари ташкил этилади. Бу тузилмалар, энг аввало, сайловларни эркин, демократик талаблар асосида ўтишини таъминласа, иккинчидан сайланадиган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига тавсия этиладиган номзодларнинг холис, ошкоралик асосида, халқ оммасининг иштирокида танланишига ёрдам беради.

Маҳалланг - ота-онанг, деб бежиз айтишмайди. Оилани ота-онадан яхшироқ биладиган киши йўқ. Маҳаллани ҳам катта оила деб атасак, унинг аҳолисини - фуқароларнинг қизиқишлари, манфаатлари ва муаммоларини тўла-тўкис биладиган, маҳалланинг қозонида қайнаган оқсоқол бўлса, нур устига аъло нурдир.

«Халқ сўзи» газетасининг 27 апрелдаги сонидан.

- *Оқсоқолнинг ўз-ўзига саволи қандай?*
- *Тасодифдан чиққан раислар...*
- *Тадбиркор - тадбиркорда...*
- *Яхши оқсоқол ишни қозихонагача олиб бормайди.*
- *Оқсоқол ўз ўрнида бўлса, ҳамма у билан ҳисоблашади.*
- *Иқтисодни ҳам билса... кам бўлмайди.*

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ: У КИМ ВА ҚАНДАЙ ОДАМ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг шу йил 9 апрелидаги қарорига мувофиқ мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига май-июн ойларида сайлов ўтказишга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Шу муносабат билан «Mahalla» газетаси таҳририяти давра суҳбати ўтказди. Қуйида унинг мухтасар мазмунини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси республика бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Шуҳрат ЖАЛИЛОВ, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси раиси муовини Неъмат АБДУЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Аъзамжон ГАДОЙБОЕВ, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани Чиғатой Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла МЎМИНОВ, Самарқанд вилояти Булунғур тумани Охунбобоев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси Латиф СУВОНҚУЛОВ, Тошкент вилояти Янгийўл тумани Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлинмаси раиси, Баҳор маҳалласи оқсоқоли Асадулла АЪЛАМОВ қатнашганлар.

Ш.ЖАЛИЛОВ: Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида шундай йўлланма беради: «Биз жамиятимизни демократиялаш, демократик адолатпарвар, ижтимоий йўналтирилган, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган фуқаролик давлатини барпо этиш йўлидан янада олға ва яна ҳам дадилроқ боришимиз даркор». Маълумки, сайловлар тизими демократиянинг энг муҳим кўринишларидан бири ҳисобланади. Одамларнинг сайлов ҳуқуқини барча босқичда ва шаклда амалга ошириш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифодалаш, ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ва муҳофаза қилиш ҳуқуқини таъминлаш учун ҳақиқий, қулай, ҳалол, бегараз шарт-шароит, қонуний-ҳуқуқий замин яратиб бериш, инсон ҳуқуқлари ва матбуот эркинлигини ҳимоялаш ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шу жиҳатдан қарасак, бу сайловларга пухта тайёргарлик кўриш ҳамда юксак даражада ташкил этиш, муваффақиятли ўтишини таъминлаш жиддий ишларимиздандир.

Маҳалла фуқаролар йиғини ҳуқуқий жиҳатдан жамоат органи мақомида бўлса ҳам, мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, фармонлар уларга жуда катта масъулият ва ҳуқуқларни бериб қўйган, имтиёзлар билан таъминлаган. Сайловлар олдидан, ҳисобот тариқасида шундай бир саволни қўяйлик: Хўш, республикамиздаги ўн мингдан ортиқроқ маҳалланинг барчасида оқсоқоллар, фаоллар берилаётган имкониятлардан, имтиёзлардан тўлиқ фойдалана олаяптиларми? Ўзларининг масъулиятларини тўлиқ англаб етганларми?

Шу маънода, сайланадиган раисни шаҳодатдан ўтказиб, номзодликка тавсия этилиши уларнинг келажакда сифатли, самарали фаолият кўрсатишларини таъминлайди деб ўйлайман. Юртбошимиз айтганларидек, инсоф юзасидан айтилаётган бу адолатли талаб замон талаблари «нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки улкан тарбиявий ва маънавий масаладир».

Н.АБДУЛЛАЕВ: Бу галги сайловларда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)га талаблар жуда юксак бўлади ва бу талабнинг ижроси, амалдаги рўёси қаттиқ назорат қилинади. Бунга эришмоқ учун соф виждон юкини ўз зиммасига олиши, оқсоқоллик қилаётган маҳалласидан фуқаролик муносабатларига доир низоларнинг олдини олишига, камдан кам ҳуқуқ идораларига етиб боришига ишониши, жуда кўп оилавий-маиший муаммоларнинг, жанжалларни маҳалланинг ўзида еча олишига қодирлигини ҳис этиши, ҳудуддаги барча корхонаю муассасаларнинг раҳбарларининг тегишли масалалар бўйича гапига қулоқ солишига амин бўлиши ва бошқа фавқулодда масалаларни ҳал этишга тайёр туриш лозим. Фуқароларни тинч яратувчилик фаолиятига, эзгу ишларга даъват этиб тараққиётга хизмат қилиши керак.



А.ГАДОЙБОЕВ: Бир неча йил давомидаги кузатувларимдан, эл-улуснинг ҳурмат-эътиборини қозонган табаррук оқсоқолларни фикридан келиб чиқиб ишонч билан айтишим мумкинки, мазкур ва бошқа саволларга, талабларга жавоб беролмайдиган, ўзи хоҳласа ҳам қўлидан келмайдиган, тайёргарлиги йўқ, табиатан номуносиб, фавқулодда бир сабаб билан шу вазифага ўтиб қолган шахслар, бу вазифанинг удасидан чиқолмайдилар. Ўзларининг ҳам, маҳалла аҳлининг ҳам, жамиятнинг ҳам заволи бўладилар.

Х.МЎМИНОВ: Айтилаётган масала, муаммоларнинг ҳаммаси биздек оқсоқолларнинг кўнглидаги дардлар, ташвишлар, бурчлар, вазифалар. Ҳозирги вақтда аравани қуруқ олиб қочган билан иш битмайди, обрў ҳам орттириб бўлмайди, бировга гап ҳам ўтказиб бўлмайди. Амалда кўрдим: оқсоқол сифатида бир йил интизом билан топшириқларни ўринлатиб, яхши гап билан, ўлик-тирикдан қолмай, бировни ака, бировни ука деб, силлиқ ўтказдим. Ҳашар уюштириб, ариқ тозалаган, қабристонга қараган, ахлатни вақтида олдирган бўлдик. Аммо бу оқсоқолнинг бурйўқ иши эмас-да. Чунки, на бир тузукроқ қурилиш, на бир ночор оилага ёрдам беролмадик, дасти калталарга ҳасса бўлолмадик. Яхшиямки давлатимиз ажратган маблағ бор экан, шу орқали бева-бечора, етим-есирларнинг, ногиронларнинг кўнглини овлаб турдик. Лекин ёнига қўшолмадик. Наврўз, Мустақиллик байрамларини ҳимматли, саховатли маҳалладошларимизнинг кўмагида нишонлаган бўлдик. Маҳалланинг қаддини ростлаш, ташаббус кўрсатиб бирон-бир янгилик қилиш, маҳалланинг айланма жамғармасига эга бўлишни ният қилдик. Ўйласам, бирдан-бир йўли тадбиркорлик, ишбилармонлик эди. Сармояга эҳтиёж сездим. Хуллас, Чиғатой Оқтепа маҳалласида автомашиналарни таъмирлаш устахонасини қуриб, ишга тушириб кечасию кундузи тинмай ишладик. Маблағ тўплаб Карима деб номланган даволаш шифохонасини ишга туширдик. Сартарошхона, гўшт дўкони, хўжалик - электр моллари магазини, дорихона, одамлар нафақасини қулай олсин деб Халқ банки шахобчаси, чойхона, қатор аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларининг очилишига эришдик. Бўш ерларни шартнома асосида ижарага бердик... Менимча, бозор иқтисодига ўтиш шароитида оқсоқол тадбиркор бўлиши ҳам лозим, айни пайтда маънавият-маърифатни қўшиб олиб бориши мақсадга мувофиқ кўринади.

Л.СУВОНҚУЛОВ: Агар оқсоқол ўз ўрнида бўлса, вазифасини ҳалол, пухта адо этса нафақат фуқаролар, тегишли ҳудуддаги жами ташкилотларнинг раҳбарлари, туман ва шаҳар, ҳукумат маъмурлари ҳам улар билан доимо ҳисоблашадилар, зарур пайтларда маслаҳатлашиб иш тутадилар. Бундай елкамаелка туриб фаолият кўрсатишдан икки томон ҳам ютади. Ҳа, оқсоқол кўпни кўрган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини бошидан кечирган, фарзандларининг тўйларини ўтказган, ўз виждони ва қонун олдида юзи ёруғ, билим доираси кенг, айни пайтда бағри кенг, назари тўқ инсон бўлиши даркор. Жуда тўғри таъкидланди, оқсоқол бўламан деган одам эртасини ўйлаб иш тутиши керак. Очиғини айтганлигим учун қўшиб қўймоқчиман, у иқтисодни ҳам билиши керак. Айниқса ҳозирги даврда. Ўша давлатимиз томонидан берилаётган ёрдам маблағларини тўғри тақсимланишини, маҳалла фаолияти билан боғлиқ ҳисоб-китобларни меъёрий ҳужжатларга мос бўлишини билиши керак.

Ш.ЖАЛИЛОВ: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қаторида Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасига ҳам катта масъулият юкланади. Аввало, шуни алоҳида фахр билан таъкидламоқчиманки, ушбу сайловларга давлат даражасида эътибор қаратилиб, республика миқёсида Парламент Кенгаши қарорининг чиқарилиши маҳалла оқсоқолларига, маслаҳатчиларига нисбатан яна бир бор ўзига хос давлат эҳтироми белгисидир. Шундай экан, сайловларни ташкил этишда, уни юксак даражада ўтишида астойдил фаолият кўрсатиш, садоқат билан бу ҳурматга яраша амалий жавоб бериш, биринчи навбатда бизнинг - маҳаллани яқиндан билган, у билан бевосита иш олиб борувчи, халқчил энг яқин, бирламчи бошқарув органи сифатида бурчимиздир.

Н.АБДУЛЛАЕВ: У ёки бу номзодни танлашда жамоат фикрини билиш, унинг чиндан ҳам оқсоқолдек масъулиятли вазифага лойиқлигини аниқлашда янглишмаслик, сайлов билан боғлиқ бўлган тадбирларнинг демократик асосда, қонун, меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бўлишига қатъий эришиш учун бу йил ушбу қарор бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, туман ва шаҳар комиссияларининг тузилиши ва уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгашининг ҳамда тегишли ҳокимларнинг қарори билан ташкил этилиши айни муддаодир. Бу демак, бирон-бир комиссия белгиланган тартибга риоя этмаса, унинг бузилишига билиб ёки билмай йўл қўйса, нафақат комиссияни, бутун бир республикани, вилоятнинг юзини ерга қаратган бўлади. Йўл қўйилган хато учун, нафақат комиссия аъзолари, уни ташкил этган, тасдиқлаган вилоят мутасаддилари ҳам баробар жавоб берадилар. Ушбу масъулиятли вазифадан келиб чиқиб, биз Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси томонидан комиссия аъзолигига муносиб вакилни киритишга диққат қилишимиз зарур.

Шунингдек, сайловларни юқори талаблар даражасида ўтишини таъминлаш учун барча даражадаги шаҳарча, қишлоқ ва овулларда ишчи гуруҳи тузилиши нур устига аъло нурдир. Ушбу жамоат вакилларидан иборат комиссия ва ишчи гуруҳларининг тузилишида холис, бегараз, қонун устуворлигини амалда оқлайдиган кишилардан иборат таркиб топишига эришишдир.

Олий Мажлис Кенгашининг қарорида тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги намунавий низомда ушбу ва бошқа амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар батафсил ёритиб берилган.

Ш.ЖАЛИЛОВ: Албатта қисқа доирада, қисқа гурунгда кўтарилган мавзуни тўла ёритишга эриша олдик деёлмаймиз. Суҳбатни жойларда давом эттиришни, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб баҳс, мунозара уюштириш, фикр-мулоҳазаларни айтиб, сайловларни юксак даражада ўтказишга эришиш, кишиларнинг кайфиятларини билиш, уларни ўйлатаётган муаммоларни, эҳтиёжларни яхшироқ ўрганиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш фойдадан холи бўлмас. Шунингдек, Ўзбекистон ҳукуматининг, Президент фармонларининг, Олий Мажлис қарорининг мақсади ва мазмунини сайлов жараёни асосида маҳаллаларда ҳар бир фуқаронинг қалби ҳам шуурига сингдириш лозим. Токи тарғибот, маърифат ишлари жойларда эзгу ниятларни амалга ошириш учун кенг халқ оммасини жалб этишга ёрдам берсин.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси ўз навбатида сайловларни ташкилий юқори даражада ўтказишга кўмаклашиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга киришди. Иш Олий Мажлис Кенгашининг сайловлар тўғрисидаги Қарорини ва низомини ҳар бир маҳаллага етказишни ташкил этишдан бошланади. Ҳозир фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бурчи ва масъулияти, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги вазифаларга бағишланган семинар-кенгашни ўтказишга тайёргарлик кетмоқда, тавсиялар ишланмоқда.

Шубҳасиз, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови - фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришнинг муҳим босқичи бўлиб қолади.

Давра суҳбатини Расул РАҲМОНОВ ташкил этди ва ёзиб олди.

«МЕНИНГ БОБОМ ҚАҲРАМОН ОҚСОҚОЛ ЭДИ...»

Газетанинг келаси сонига режалар тузиш учун одатдаги йиғилишлардан бирига йиғилдик. Яқинлашиб келаётган 9 Май - Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан ходимларимизнинг ҳар бири ўз режалаган ишларини, таклифларини айтишди. Шу пайтда ҳарф терувчи қизларимиздан Дилфуза: «Менда таклиф бор эди...» деб қолди...

Ҳаммамиз ҳайрат билан унга тикилдик. Табиатан жуда тортинчоқ ва камтар бу қизнинг газетага режалаштирилаётган мақолалар юзасидан таклиф киритиши таҳририят тарихида биринчи марта эди-да! «Менинг бобом, - Дилфуза негадир ўзини айб иш қилиб, энди иқрор бўлаётган одамдек тутарди, - урушда қатнашганлар, Қаҳрамон ҳам бўлганлар. Улар ҳақда мақола ёзса бўладими?» Ҳайратимиз икки ҳисса ортди. Дилфузанинг Қаҳрамон бобоси бор экан! Шундай қилиб, Дилфузага бобосининг қандай қилиб қаҳрамон бўлганлиги ҳақида ҳужжат ва маълумотларни олиб келиш топширилди...

Эртасига Дилфуза 1990 йилда нашрдан чиққан «Имена и подвиги» энциклопедик китобни, бир нечта суратларни олиб келди. Дарҳақиқат, унинг бобоси - Саидусмон ҚОСИМХЎЖАЕВ немис фашизмига қарши курашган минглаб ватандошларимизнинг бири экан. Унинг Қаҳрамон бўлгани ҳам рост экан. У киши асли юқоричирчиқлик бўлиб, Кавардон қишлоғида воя етган эканлар. 1938 йилда ҳарбий хизматга кетиб, фашизм устидан ғалаба қозонилгандан кейингина қишлоққа қайтган. Энциклопедик нашрдаги маълумот жуда қисқа ва лўнда ёзилишига қарамасдан, Қосимхўжаев Саидусмон тўғрисида келтирилган маълумотда «Жасорати учун», «Кўрсатган матонати учун» деган сўзлар қайта-қайта ишлатилган. У киши тақдирланган орден ва медалларнинг даражаси ва сони ҳам анча салмоқли. Суронли 1943 йилнинг 16 октябрида Саидусмон Қосимхўжаев Днепр дарёси бўйида ўрнашиб олган фашистлар плацдармини яксон қилишда кўрсатган жасорати учун Қаҳрамон унвонига сазовор бўлади.

Аёвсиз жангу-жадаллардан омон қайтган Саидусмон Қосимхўжаев қишлоқда жамоа хўжалигида ота касбини давом эттириб, деҳқончилик қилади. Турмуш ўртоқлари Турдихон ая билан тўрт ўғил ва икки қизни (шу қизлардан бири бизнинг матн терувчи қизимизнинг онаси Муҳаббат Қосимжонова) тарбиялаб, вояга етказишди. Бизни энг қувонтирган томони, у киши қўп йиллар давомида Оқовул қишлоқ кенгаши раиси, яъни оқсоқоли бўлиб жуда ибратли фаолият юргизган эканлар. У пайтларда оқсоқолларнинг, маҳалланинг фаолиятига эътибор, эъзоз бугунгидек кучли бўлмаган бўлса-да, Саидусмон ота раисликни шундай адо этганларки, одамлар ҳанузгача у кишини «Қаҳрамон раис» дея эслашар экан. Эл-юртга, одамларга яхши хизматлар қилган инсоннинг хотираси асрдан-асрга ўтиб, авлодлари қалбини ифтихорга тўлдириб тураверар экан. Саидусмон ота одамлар тинчлиги учун жангга кирган ва бу жангда Қаҳрамон бўлган. Тинчлик даврида эса Қаҳрамонимиз одамларнинг фаровон ҳаёти, фароғатини кўзлаб ишлаган, умрини, шижоатини маҳалладошлари, ҳамқишлоқлари учун сарфлаган. У киши табаррук 80 ёшга етиб, эл-юртнинг раҳматини эшитиб, фарзандларининг роҳатини кўриб, 1995 йилда оламдан ўтганлар. Бугун Юқоричирчиқнинг катта бир кўчаси Саидусмон Қосимхўжаев номи билан аталади...

М. ҚОСИМОВА.

1945 йил

С. ҚОСИМХЎЖАЕВ

1990 йил

Суратларга боқамиз, улар Саидусмон ҚОСИМЖОНОВ тўғрисида жуда камтар, тўғрисўз, жайдари одам таассуротини қолдиради.

Ёднома

БАРДОШИ БЕАДАД ОНАМ



Отам Мирзаев Раим Шўрчи туман Элбаён қишлоғидан 1942 йил кузида урушга кетиб Харков шаҳри учун бўлган жангда бошидан ярадор бўлади. Унинг энг сўнгги хати Воронеж шаҳридан келган. 1943 йилда онам Мирзаева Соатойга отамнинг урушда яраланиб вафот этгани тўғрисида «Қора хат» келади. Отам урушга кетаётганларида мен 3 ёшли гўдак эдим, укам Суюн ҳали туғилмаган, ҳомила эди. Онамиз сўнгги нафасларигача «Қора хат»га ишонмадилар, 55 йил отамни кутиб оламдан ўтдилар.

Онажон, ярим аср умид билан отамизни кутдингиз,
Айрилиқнинг аччиқларин ичингизга ютдингиз,
Шу дард билан фонийликдан боқийликка кетдингиз,
Отамизнинг хотирасин қалбингизда тутдингиз.

Қонли жанглар тарих бўлиб, кўплар қайтиб келса ҳам,
«Қора хат»га ишонмасдан кўтардингиз, кўзда нам.
Қўлингизда ўроқ, кетмон, топиш учун нон-малҳам,
Ишлардингиз далаларда, бўлмайлик, деб ҳеч вақт кам.

Эрта тонгдан кун ботгунча тинмадингиз бизни деб,
Айтардингиз: «Ўғилларим, яшаяпман Сизни деб».
Зоғора нон бўлса ҳамки, меҳр билан тутдингиз,
Она, ширин сўзларингиз ўксик дилга бўлди зеб.

Неваралар ўниб-ўсгач, қўлингизга қуйди сув,
Ўғил бола ўктам бўлди, қизлар гўзал ва сулув.
Қалбингизда тўлиб-тошди шодлик, шукрона, гурур,
Сўзингиздан зар ёғилди, чеҳрангиздан нур-ёғду.

Бизга қутлуғ мерос, сизнинг бардош-сабрингиз,
Ҳар лаҳзада билинмоқда, она, Сизнинг қадрингиз.
Умид қилдик, онажоним, шаҳид кетган отамни
Жаннат Беҳишт боғларидан мангуликка топингиз...

Тўлқин РАИМОВ,
Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани Шўрчи қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

ХОКИНГИЗ КЎЗЛАРГА ТЎТИЁ

Шундай ардоқли сўзлар билан, ҳар куни акалари сувратига бир қараб қўйиши Бибихожар опага одат бўлиб қолган. Жигаржон сингилнинг қалб нидоси бу. Шу нидо билан у йўлга чиқиб, Маҳмуд акасининг ҳокини Можаристоннинг Надбайом аҳоли яшаш масканидан, Ғанитой акасининг тупроғини Белорусиянинг Смолевичи туманидан олиб келиб ота-онаси қабрига қўйган, уларнинг васиятларини адо этган.

- Ҳеч ёдимдан чиқмайди - деб эслайди оддий, умри журналда, радиода, матн ёзиш касби билан кечган табаррук Бибихожар опа, - сўнгги нафасларигача «тақ» этса эшикка қараб, акаларимнинг уруштан қайтишларини интизор кутган ота-онам ёруғ дунё билан хайрлашар эканлар, жуда бўлмаса, шаҳид қонлари тўкилган хокларини кўришга орзуманд бўлишганди. Оллоҳга шукур, уларнинг васиятларини адо этдим. Тошкентлик Сайдали Раҳматовнинг икки азамат ўғлидан шу муборак хок, инсоният тинчлиги учун жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари қолди. Улардан бири Ғанитой Тошниёзов эди.

1944 йилнинг тўртинчи февралида «Учқун» партизанлар отрядига Белорусиянинг Смолевичи туманидаги Смики қишлоғида фашистлар қирғин уюштирмиш деган шум хабар етиб келди.

- Бунга йўл қўймаймиз! - отилиб чиқди Ғанитой, - Шафқатсиз маҳлуқлар, бегуноҳ норасида, мурғак гўдакларни ҳам, нуронийларни ҳам аямайдилар... Бизнинг гуруҳ қишлоқни асрашга шай! - деди кўзлари ғазабдан ёниб. Ўша қишлоқ аҳли тимсолида маҳалласини Тошкент шаҳрида бўзлаб қолган ота-онаси, опасини жажжи жиянларини кўрарди.

Тиш-тирноғигача қуролланган фашистларнинг йўлини тўсиб чиққан Ғанитой бошлиқ жангчилар тенгсиз жангга киришдилар. Фашистлар, уларга таслим бўлсалар жонларини сақлаб қолишни билдирадилар. Улар рад жавобини берадилар. Қўшимча кучлар етиб келгунча қишлоқни ҳимоя қиладилар. Бўлинма командири Ғанитой яраланади. Қуршаб олинган сардор асирга тушишни хоҳламайди, ор-номуси, бурчга садоқати ғолиб чиқади, охиригача курашиб, қаҳрамонларча шаҳид кетади. Қишлоқ омон қолади. Дунё халқларини фашист истибдодидан асраб қолган, тинчлик, озодлик соатларини бардавом этган Ғанитой Тошниёзов сингари инсонпарвар азаматларнинг номи дунё тургунча қадрлидир.

Зафар РАҲМОНОВ.
Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Комил маҳалласи

Фармон ва ижро

«Кейинги йилларда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини бозор муносабатларига ўтказишга доир анча ишлар амалга оширилди.

Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, монополиядан чиқариш ва хусусийлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилди. Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тугатилди ва унинг негизида «Ўзкоммунхизмат» агентлиги ташкил этилди. Ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмалари бевосита Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ихтиёрига берилди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва ўзини ўзи бошқариш жамоатчилик органлари - Уй-жой эгалари кенгашлари шакллантирилмоқда...»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 18 апрелда чиқарган «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармонидан.

«ЧУҚУРСОЙ КОММУНАЛЧИ» НАМУНАСИ

Мамлакатимизда аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш турларини ислоҳ қилишга қаратилган тадбирларнинг бошланганига анча бўлди. Бу билан фаолияти аҳоли билан бевосита боғлиқ бўлган маҳаллалар масъулияти янада ошди.

Шу пайтгача номлари турлича номланиб келган бу турда хизмат кўрсатувчи идораларнинг фаолияти аҳоли талабига, тўғрироғи янги давр талабига жавоб бермай келганди. Бу турдаги хизматлар эса аҳоли учун зарур. Ўзбекистон Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони бугунги давр талабининг тўғри баҳоланиши тимсолидир. Хўш, бу қандай амалга оширилади?

Маълумки, коммунал хизмат турларини кўрсатиш ўзини оқлай олмай қолган ҳудудлардаги маҳаллалар бу борада ташаббус бошлаган эди. Шу аснода баъзи бир тажрибалар яъни ширкатлар тузилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш йўлга қўйилган эди.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани маҳаллаларида ҳам бу тажриба бошланганига анча бўлди. 1998 йилнинг 1 октябрида туман ҳокимлигининг қарори билан Чуқурсой маҳалласида тузилган ширкат бугунга келиб ўз ҳудуди аҳолисининг ишончини қозонган.

- Вазият шундай эдики, - дея дастлабки иш кунларини эслайди маҳалла оқсоқоли, доцент Раҳима Эргашева, - ЖЭК деб ном олган ташкилотнинг бор-йўқлиги сезилмай қолди. Маҳаллада эса 18 та кўп қаватли уй бўлиб, улардаги муаммолар кун сайин кўпайиб борарди. Ана шундай вазиятда маҳалламиз фаоллари ҳокимиятнинг мазкур қарорига астойдил қўшилдилар. Маҳалламизда «Чуқурсой коммуналчи» деб ном олган ширкат тузишга киришган эдик.

Ҳа, ўша даврдаги ЖЭКнинг «қудрати» қандайлиги унинг ўрнини эгаллаётган ширкатга ҳеч бўлмаганда бир дона челак ҳам мерос қолдира олмаганидан ҳам маълум. Шундай қилиб бу ишга бел боғлаган раиснинг ҳолини ҳам тасаввур қилиш мумкин. Ёйма бозордан бир дона эски пайвандлаш ускунаси сотиб олиб маҳаллада яшовчи пайвандчи Александр Маҳмудовнинг қўлига топширилганда, аёл боши билан таъмирлаш ускуналарини кўтариб, одамларни бу ишга даъват этганда унинг ҳолига маймунлар йиғламаган бўлса-да, ачинувчи, ҳатто мийиғида кулиб қўювчилар кўп бўлди. Энг муҳими эса одамлар орасида уни қўллаб-қувватловчиларнинг ҳам борлиги бўлди.

«Чуқурсой коммуналчи» деган ном билан «Далолатнома» олган бу ширкат ишига дастлаб Раҳима опанинг ўзи бошчилик қилди. Тўғриси, аввало янгилик ҳисобланган бу ишга, яъни ҳали орзулардан бўлак ҳеч нарсаси бўлмаган бу ташкилотга раҳбарлик қилишга орзумандлар ҳам йўқ эди.

- Кишиларимизнинг бир одати бор, - дейди Раҳима опа, - қачонки маҳаллада боорбў кишилар бир ишга аралашмаса ўзини четга олиб тураверади. Шу боис маҳалламизнинг эътиборли кишиларидан Акбар ака Мирсолиҳов, Қўшоқ ака Эминжонов, Ўткир ака Ҳошимов, Ҳамидулла ака Шодиевларнинг ёнимизда ҳамкор бўлиши бошқаларни ҳам бу ишга даъват этди. Одамлар ўз уйларидаги жиҳозларини кўтариб чиқиб, ширкат хўжалигини ташкил этишга ҳисса қўшишди.

Хуллас, ҳозиргача ширкат босиб ўтган йўл самараси ҳар бир маҳаллада бундай йўл тутиш мумкин эканлигини кўрсатди. Ҳозир маҳалланинг ўнлаб одамлари ширкатда иш билан банд. Кўп қаватли уйларда яшовчиларнинг бу ширкатга ишончи борлиги туфайли тўловлар ҳам 90-100 фоизга бажарилмоқда.

- Энг муҳими, дейди Раҳима опа - бу бошлаган ишимизнинг бугун Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланиши бўлди. Бугун ҳар бир маҳалла бу борадаги ўз масъулиятини, ҳуқуқини ҳис қиладиган ҳужжат бўлди бу Фармон.

Бизнинг Абайхон маҳалламизда ширкат хўжалиги тузиш ташаббуси кўтарилганда, айрим фуқаролар «ЖЭК нима бўлган бўлса, ширкат ҳам шу-да», деб эътироз билдирган эдилар. Қисқа вақтда, улар ширкат хўжалигининг ЖЭКдан аъло томонлари кўп эканлигини тан олишга мажбур бўлдилар.

ЖЭК ВА ШИРКАТ:

АЛИХЎЖА — ХЎЖААЛИ ЭМАС!

Қарийб 40 та кўп қаватли уйларга коммунал хизмат кўрсатадиган «Нурчилар» ва «Бахтнур» ширкат хўжаликлари фаолияти бунга мисолдир. Ширкат ташкил этилибдики, унинг бошлиғидан тортиб оддий ходимигача ўз ишларига масъулият билан ёндашдилар. Охир-оқибатда фуқароларнинг буюртмалари бир кун ичида адо этиладиган бўлди, эҳтиёт қисмлар ғамлаб қўйилди, ертўлаларда йиллаб йиғилган сувлар қуритилиб, сич-қон-каламушдан, чивинлардан тозаланди. «Нурчилар» ширкат хўжалиги ташкил этилганда Абдуғафур Қодировни маҳалладошлар бир овоздан ширкат бошлиғи этиб сайлагандик. Махсус тузилган комиссия иштирокида ЖЭКдан «дом»ларни қабул қилиб олишди. Шу кундан бошлаб йўлакларнинг эшик-ойналари янгиланди, иситиш қувурлари таъмирланди. «Бахтнур» ширкати фаолияти хусусида ҳам нлиқ сўзларни айтиш мумкин. Энг муҳими, фуқароларимизга ЖЭКни тугатиб, ширкат тузиш «алихўжа-хўжаали» эмаслигини тушунтириш, ширкат билан фуқаро ўртасида тузиладиган шартнома қоғозбозлик эмас, балки ҳуқуқий ҳужжат эканлигини, ҳар икки томон ҳам унга қатъий амал қилиши лозимлигини англатиш керак. Чунки масаланинг иккинчи томони ҳам бор: фуқароларнинг уй-жойдан фойдаланганлик ва коммунал тўловларни ўз вақтида тўлашлари масаласи. Тўловларнинг ўз вақтида тўланиши кўп жиҳатдан ширкатлар фаолиятининг қониқарли бўлишини таъминлайди. Умуман, тумanimиздаги кўплаб маҳаллаларда ширкатлар тузилган ва уларнинг ишидан одамлар мамнун.

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Сизни ўйлатган муаммолар

УЙ-ЖОЙ



У қандай хусусийлашади?

Кишилик жамияти тарихига назар ташласак, инсоннинг муҳим ҳаётий эҳтиёжларидан бири бу уй-жойга бўлган эҳтиёждир. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз турар жойига эга бўлиши учун ҳаракат қилади. Бу табиий ҳол албатта.

Бугунги кунда уй-жой билан боғлиқ бўлган масала энг долзарб ижтимоий муаммо бўлиб қолди. Айни вақтда фуқароларнинг уй-жой муносабатларидаги боқимандалик кайфияти секин-аста барҳам топмоқда. Маълумки, собиқ иттифоқ даврида давлат барча фуқароларни уй-жой билан таъминлашни ўз зиммасига олганди. Бунда фуқаролар узоқ навбатда туришар, навбат эса йиллаб давом этади. Фуқароларга уй-жой бериш жараёни маъмурий-буйруқбозлик, қоғозбозлик ва бошқа иллатлар билан бурканган жараён эди. Давлат ана шундай ҳолатларнинг устига, хусусий уй-жой миқдорини чеклаб, ўзининг қонун ҳужжатларида битта фуқаро биттадан ортиқ уй-жойга эга бўлиши мумкин эмас, деган қоида жорий этганди. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилганлиги ва хусусий мулкка кенг йўл очиб берилганлиги юқоридаги иллатларнинг барҳам топишига сабаб бўлди. Айниқса фуқаролардаги боқимандалик кайфиятига барҳам берилди.

Умумий қоидадан келиб чиққан ҳолда, шуни айтишимиз мумкинки, хусусий уй-жой фонди деб фуқароларга ва нодавлат юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жой уйлари, бинолари ва яшаш учун мўлжалланган бошқа қурилишлар йиғиндисига нисбатан айтилади. Шунингдек, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда қўлга киритилган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

Хусусий мулк бўлган мол-мулкнинг миқдори ва қиймати чекланмайди. Ўз навбатида, давлатга қарашли уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларида назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади. Кооператив уй-жойга, квартирага ва бошқа биноларга нисбатан эса, мазкур ҳуқуқ, кооператив аъзоси пай-бадалларни батамом тўлаб бўлганидан кейин вужудга келади.

Қонунда белгиланган тартибда хусусийлаштириш давлатга қарашли уйга, квартирага бўлган мулк ҳуқуқи қонун ҳужжатларидан назарда тутилган хусусийлаштириш тартибида вужудга келади.

Ҳусусий уй-жой фондининг таркибий қисмидан яна бири нодавлат юридик шахсларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган уй-жой фондларидир. Юридик шахслар фуқаролик қонунчилигига асосан турар жой уйларини ва бошқа турар жой биноларини қўлга киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

Янги уй-жой кодексига киритилган ўзгаришларга кўра, уй-жойни хусусийлаштиришга бўлган ҳуқуқ алоҳида аҳамият касб этиб, фуқароларга ўз уйлари, хонадонлари ва квартираларининг мулкдори бўлиш ҳуқуқини яратиб бермоқда. Яъни, бунда давлат уй-жой билан боғлиқ бўлган муаммони ҳал қилишда, фуқароларга ўз маблағ ва шароитлари ҳисобига кўра назоратга бўлган ҳуқуқини сақлаган ҳолда, мураккаб вазиятлардан чиқиш йўлларини ўзлари излашлари учун имконият яратиб бермоқда.

Умида ИСАХЎЖАЕВА,
Тошкент Давлат юридик институтининг магистри

Келаётган ҳафта сиз учун

Қўй (21.03-21.04). Ҳафта сизга омадли келади. Шу кунларда спорт билан шуғулланиш имкони туғилади. Якшанба куни сизни амалий учрашувлар кутади. Пайшанба ва жума кунларида эса қўлингизга мўмай пул тушиб, моддий аҳволингизни яхшилаш имкони туғилади.

Бузоқ (22.04-20.05). Шанба куни жароҳат олиш хавфини айтмаганда, ҳафта сиз учун ёмон бўлмайди. Ҳафтанинг бошида кўнгилли ҳордиқ чиқариш ва яхши харид имконияти бор. Кейинги кунларда мазмунли учрашувлар бўлиши, тадбиркорлик соҳасида ишларингиз юришиши мумкин.

Эгизаклар (22.05-21.06). Ҳафта сиз учун ниҳоятда ажойиб воқеаларга бой. Чоршанбада кўнгилли ҳордиқ чиқариб, дилингизнинг ғуборини ёзасиз. Пайшанбада эса молиявий аҳволингизни яхшилаш имкони туғилади.

Кичкинабақа (22.06-22.07). Бу ҳафта умуман олганда ёмон эмас. Етти кун мобайнида сизга кўнгилли учрашувлар, аъло кайфият ҳамроҳ бўлади. Фақат молиявий жиҳатдан бирон-бир ишга қўл уриш тавсия этилмайди.

Арслон (23.07-22.08). Ҳафтанинг биринчи ярми сиз учун ғоят қувонарли келади. Пул ишлаш имконини қўлдан чиқарманг. Чоршанбада бироз танаффус қилиб, пайшанбадан яна омадингиз кулади. Ҳафта охиригача кўтаринки кайфият сизни тарк этмайди.

Парижод (23.08-22.09). Узоқдаги дўстларингиздан яхши хабар эшитасиз. Чўнтагингизга пул тушса ажаб эмас. Пайшанба ва жумада бироз нохушликлар бўлиши мумкин. Шанбани оила даврасида ўтказганингиз маъқул. Якшанба ҳам яхши хабарлар эшитасиз.

Тарози(23.09-22.10). Ҳафта сизга ғоят хайрли келади. Нетаки, ҳафта давомида ғайрат билан ишлашингиз, молиявий аҳволингизни ўнглаб олишингиз имкони бор.

Чаён(23.10-22.11). Ушбу ҳафтада бизнесга оид ишларни ҳал қилишингиз мақсадга мувофиқ. Пайшанба куни қўлингизга пул тушиши эҳтимоли бор. Дам олиш кунларида ажойиб ҳордиқ чиқарасиз ва кайфиятингиз аъло бўлади.

Ўқотар (23.11-21.12). Ҳафта сиз учун оғирроқ кечади. Тўғри, чоршанбада молиявий аҳволингизни яхшилаш имкони бор. Лекин пайшанба ва жумада ўзингизни лоқас сезасиз, ишхонада ҳам кайфиятингизни бузишлари мумкин. Лекин бунга парво қилманг. Чунки дам олиш кунларингиз ғоят кўнгилли ўтиши аниқ. Жума куни кўнглингизга ёққан нарсани харид қиласиз.

Тоғ эчкиси (22.12-19.01). Ҳафта давомида ишларингиз ёмон бўлмайди. Чунки юлдузлар жойлашуви ҳафта мобайнида яхши даромад қилиш, кўнгилли учрашувлар ўтказиш имкониятлари борлигини маълум қилмоқда.

Қовға (20.01-18.02). Ҳафта сиз учун ғоят хайрли келади. Олисдан хушхабарлар эшитасиз. Жумада молиявий аҳволингизни яхшилаш имкони туғилади. Дам олиш кунларида амалий учрашувлар кутади.

Балиқ (19.02-20.03). Ҳафтанинг бошида соғлигингизга боғлиқ муаммолар билан банд бўласиз. Пайшанба кунидан бошлаб руҳингизда кўтаринкилик пайдо бўлади. Ҳафта охиригача шу кайфиятда юрасиз. Пайшанбада қўлингизга пул тушиб, моддий аҳволингизни ўнглаб оласиз.

Ўтган сал кам олтмиш йиллик умрим давомидаги меҳнат фаолиятимни тоғ қишлоқларидан бошлаб, Тошкентда якунлаганман. Ўндан ортиқ жамоаларда меҳнат қилиб, турли миллат вакиллари билан мулоқотда бўлдим. Лекин ҳеч қачон, ҳеч қаерда «Хизбут таҳрир» ёки «ваҳҳобий» деган бемаза гапларни эшитмаган эдим. Нафақага чиққач, қишлоғимга қайтиб, боғдорчилик юмушлари билан шуғулланиш жараёнида масжидлардаги жамоаларга ҳам қатнашиб турдим. Бўш пайтларда қишлоғимиз тарихи, юз йиллар аввал ўтиб кетган ниҳоятда покиза, художўй ота-боболаримизнинг ибратомуз ҳаётлари тўғрисида эшитган-билганларимизни ҳикоя қилиб, масжид жамоаси билан ўзаро мулоқотларда бўлардик.

Бугуннинг мулоҳазаси

Асад АСИЛ

ИБОДАТДА НИЯТ ПОК БЎЛСА...

Самимий бу гурунглар бизларни жуда-жуда қадрдонлаштириб юборган эди. Бир пайтлар Бўстонликдаги қишлоқлар, хусусан, ўзимиз туғилиб ўсган Хондайлиқ қишлоғи тарихи билан атрофлича шуғулланиб, пировард натижада унинг тарихини китоб қилганим ҳам бу борада жуда қўл келди. Хуллас, ибодатга келган каттаю кичикнинг фикри бир йўналишда бўлиб, ҳеч қандай адоватдан асар ҳам йўқ эди. Шу зайлда уч йилга яқин вақт ўтди. Кейин қаёқдандир «янгилик» топиб гапирувчилар пайдо бўлиб қолди.

Ҳар қандай янгиликка ёшларнинг ўчлиги табиий. Шунинг учунми, бирданига пайдо бўлган ғалати «янгилик»нинг ҳам тарафдорлари топилиб қолди. Бу ҳол нафақат кекса, ҳақиқий намозхонларнинг ғашига тегарди, балки улар асабийлашиб ташвишга ҳам туша бошладилар. Осмондан тушгандек бирданига пайдо бўлган такаббур бу «намозхон»лар билан жиддий суҳбатлашиш, уларни албатта тўғри йўлга қайтариш кераклигини улар қайта-қайта таъкидлай бошладилар. Ўзим ҳам шу ҳақда ўйлаб юрар эдим. Бир куни ҳуфтон намозидан сўнг ҳамма ёшларни тўплаб, юзма-юз очиқ мулоқот ўтказдик. Маълум бўлдики, Тошкентнинг баъзи мадрасаларида шу пайтларда таълим олиб юрган талабалар икки гуруҳга бўлиниб, ўзаро курашга киришган эканлар. Бунинг таъсири эса узоқ-узоқ қишлоқларга, ҳатто Хондайлиққача етиб келибди. Ўзим эса қишлоғимизнинг ўтмиши, бу табаррук маконда жуда узоқ йиллардан бери яшаб келган азиз ва мўътабар инсонларнинг иймон-эътиқод хусусида қатъий тутган йўллари ва амаллари тўғрисида асосли исботу далиллар келтириб ҳикоя қилдим. Бинобарин, ҳар соҳада Хондайлиқ номини узоқ-узоқларга танитган машҳур адиб Сирожиддин Мирзоҳид ўғли - Сидқий Хондақлақийнинг падари бузруквори Мулла Мирзоҳид ота бутун умри давомида мактабдорлик қилиб, зукко авлодларга чуқур билим берганлар. Табаррук ул зот қўлида билим олиш учун нафақат яқин атрофдаги қишлоқлардан, балки Чимкент, Сайрам тамонлардан, ҳатто Фарғона водийсидан талабгорлар келар эканлар. Мирзоҳид ота ҳам дастлабки пишиқ билимни қайнотасидан олган экан. Шундан сўнг Тошкентда машҳур таниқли инсон Мавлоно Шоҳ Муҳиддин Охунд қўлидаги мадрасада йигирма беш йил таҳсил кўриб хатм қилгач, ўзи ўқиган шу даргоҳда дарс бера бошлаган. Хондайлиқлик ҳамқишлоқлари қайта-қайта бориб илтимос қилавергач, қишлоғига келиб янги масжид-мадраса қурдирган ва салкам ўн йил шу билим даргоҳида заҳматли меҳнат қилиб, жуда кўп забардаст шогирдлар етиштирган. Мирзоҳид отанинг севимли фарзанди Сирожиддин ҳам дин илмини дастлаб отасидан пухта эгаллагани туфайли Тошкент мадрасаларида мудом пешқадамлар сафида бўлган. Машаққатли ва узлуксиз бу меҳнатлар, изланишлар самараси ўлароқ 1915-1917 йилларда қайта-қайта чоп қилинган «Мезони шариат» рисоласини яратган. Шу табаррук инсонларнинг ҳаммалари Имом Аъзам Абу Ханифа ҳазратларининг шариат ва тариқат ҳукмлари асосида тоат-ибодат қилганлар ва ижод билан ҳам шуғулланганлар. Ул зотлар билан олдинма-кейин Хондайлиқда яшаб ўтган Мулла Муслим ота, Мулла Нурим ота, Султонхўжа Эшон ота, Мулла Аҳмар ота, Мулла Муфтоҳ ота, Мулла Зайни ота, Мулла Асил ота каби не-не етук дин пешволари ҳам фақат Имом Аъзам мазҳаби асосида намоз ўқиганлар. Хўш, шу азиз инсонлар ҳақида батафсил маълумотга эгамисизлар, лоақал «Мезони шариат»ни ўқиб чиқдингизми?..

Даврадагиларнинг айримлари бош силкитиб маъқуллашар, кўпчилик эса лол ва ҳайрон ҳолда ўтирарди. Ўзларича «янгилик» излаб, билиб-билмай терс йўлга қадам босаётганларнинг ҳар соҳада намуна олиши мумкин бўлган азиз ота-боболари ҳақида ўқиб-ўрганиш уёқда турсин, бу кўчаларга умуман қадам босмаганликлари уларнинг ҳайрон ва лол боқишларидан маълум эди. Бу холга фақат уларнинг ўзлари эмас, биз - ўзларимизни зиёли атаб юрганлар ҳам айбдор эдик. Отасиртдан таълим олаётган мулла Азизбек имомлик қилиб, барчани тўғри йўлдан бошлаб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ қишлоғимизда юзни шувут қиладиган хунук воқеаларга йўл қўйилмади. Албатта, шу билан бундан буёғига хотиржам ўтираверишимиз мумкин, деган маъно чиқмайди. Ёшларни ҳеч қачон назардан қочирмаслик нафақат масжидларнинг қавмлари, балки тинч-хотиржам яшашни истовчи ҳар бир киши фарзандларимиз тарбиясига имкон қадар ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Бу масалада «ёмон кўринишнинг менга нима кераги бор» дегувчилар, ўзларини четга тортувчилар жуда катта хатога йўл қўядилар. Ана, Чеченистондаги ва бошқа қўшни давлатлардаги қонли воқеаларни кўриб турибмиз! Йигирманчи, ўттизинчи йилларда собиқ иттифоқ бошимизга солган кулфатларни эслайлик. Худо кўрсатмасин, нотинчлик ва пароканлик юз бергудек бўлса: ҳаётимиз минг чандон оғирлашиб кетиши аниқлигини тушунайлик. Динни ниқоб қилиб олиб, кечаю кундуз турли найранглар тўқиётган, гўр фарзандларимизни тўрга туширишнинг минг хил усулларини ўйлаб топаётган ғаламислар хавфи хали-вери тугамаслигини ҳаёт далиллари исботлаяпти. Бундан уч-тўрт йил аввал бепарволигимиздан фойдаланиб, фарзандларимиз онгига разиллик билан сочилган офат уруғлари анча чуқур илдиз отиб улгурган экан. Кузатишлардан маълум бўлдики, кексаларни менсимай, ўзларича «гўзал» тоат-ибодат қилаётганлар ҳамон мавжуд. Уларнинг намоз чоғи калимаи шаҳодатга келганда шаҳодат бармоғини тик ҳолда ишорат қилишлари, хотинлар каби қўлларини елкаси баробар кўтариб кўкси узра қўйишлари атрофдаги намозхонларнинг беихтиёр хаёлини қочиради. Ёнингда бўлаётган бу манманликдан энсанг қотади, кўз юмиб терс қаролмайсан, охир-оқибатда намозинг бузилади. Аслида Имоми Аъзамнинг машҳур мазҳаби бўйича яратилган тўкис китобларда ёзилишича, эркаклар намоз бошлаш чоғи ниятдан сўнг икки қўлини қулоғи юмшоғига еткургай ва ўнг қўлини сўл қўли узра қилиб, киндиги остига қўйгай. Калимаи Шаҳодатга келганда эса шаҳодат бармоғи бирла ишорат қилмағай. «Мухтасар»да, «Ибодат Исломия»да, «Мезони шариат» ва бошқа китобларда худди шундай баён қилинган. Намознинг ўзларича янги «услуби»ни бошлаганлар уни қайдан олганларига ҳайрон қоласан киши. Қизиғи шундаки, уларнинг деярли барчаси қайси манбага асосан, қай йўлдан бораётганини билмайдилар. «Шунга шунчалик ташвишми?» - деган баъзи кексалар, ҳатто айрим имомлар ҳам топилади. - «Намозни сал бошқача ўқиса осмон узилиб ерга тушмас...» Йўқ, осмон узилиб ерга тушиши мумкин! Шу кичкинагина фарқлар кексалар билан ёшлар орасида аввало келишмовчилик, сўнг катта зиддият ва нафрат келиб чиқишига сабабчи бўлади. Ҳушёрлик билан кузатиб турган душманларга эса худди ана шу керак! Ўзларича «илғор услуб»да намоз ўқиб «қолоқлар» томонидан камситилган гўр фарзандларимиз дарров душманларнинг тузоғига илинади ва Ватанига, ота-онасига қарши қурол кўтаради... Буларнинг барчасини ҳисобга олиб ниҳоят бир хулосага келиш мумкин: ёшларимизни ҳеч қачон назардан қочирмаслигимиз керак! Ҳатто масжиддек муқаддас жойда ҳам. Ўғил-қизларимиз орасида ҳозиргача йўл қўйилган фожеалар, йўқотишларга асосан биз - катта ёшдагилар айбдормиз.

Тарихдан тузатиш

ДОҲИЙ «МАНТИҚ»ДАН ЯХШИ ЎҚИМАГАН...

Ленин номи, унинг шахсига ҳақиқатдагидан бўрттириб берилган таърифлар тарих саҳифаларининг анча-мунчасини банд этгани сир эмас.

Қизил империя даврида у ҳақда беҳисоб ёдномалар битилган. Кейинги пайтларда шундай маълумотлар топилмоқдаки, бу маълумотлар шахсга сиғиниш йилларида Ленин образи сунъий бўрттирилганлигини, унинг ҳақиқатда барча қатори камчилигу нуқсонлардан холи бўлмаган одам эканлигини тасдиқлайди. Володя Ульяновга берилган етуклик аттестати ва олтин нишон унинг фанларни «аъло»га ўзлаштиргани ва намунали хулқи учунлиги ҳам шубҳали бўлиб чиқмоқда. Аслида у ўқиган гимназия директори жаноб Керенскийнинг таълим соҳасида юқори лавозимлардан бирида бўлган Володянинг отасига кўрсатган эҳтироми исботи сифатида берилган. Ўз вақтида кўрсатилган бу «хизмати» учун директор Володянинг отаси аралашуви билан амал поғонасида анча юқорига кўтарилган. Гимназия ўқитувчилари ўқувчилар содир этган тартибсизликларни алоҳида дафтарга қайд этиб борганлар. Дафтарда «бўлажак доҳий»нинг исми жуда кўп учрайди. Шунингдек, Ленинниг отаси ўз кундалигида :«Ўкўпинча ўртоқларини масхаралайди. Ҳатто ўқитувчиларини масхаралаб юришдан тоймайди. Битирувчи бўлгани учун отам ундан хавотирда: «Укангнинг қизиқ қонлиги мени ташвишга солмоқда», дедилар...», деб ёзган.

Энг қизиқарлиси, Володя Ульянов етуклик аттестатига кўра, ҳамма фанлардан «аъло», мантиқдан эса «яхши» баҳо олган экан. Агар директорнинг амалдорнинг фарзанди баҳосини сунъий равишда ошириб борганини инобатга олсак, Ленин мантиқ дарсини «қониқарли» баҳога ҳам ўзлаштира олмаган бўлиб чиқади. Унинг мантиқ борасида жуда оқсагани шундан ҳам аёнки, ҳатто отасининг обрўси уни «аъло»га «илинтиролмаган». Аслини олганда, «доҳий»нинг мантиқда ожиз бўлгани ўнлаб халқлар ҳаётига ҳам салбий таъсир қилгани бугун ҳеч кимга сир эмас. «Доҳий»нинг одамзод бошига солган шунча савдоларидан кейин унинг бир умр мантиққа зид яшаганини ким ҳам инкор этарди?!

«ТРУД—7» ҳафтаномаси 19 - 25 апрел сони.

Хосият РУСТАМОВА

ЎЗБЕКИСТОН БЎЛСАНГ ЎЗБЕКИСТОНГА

ВАТАН

Куйласанг... борлиғинг куй бўлиб оқса,
Қўшиғинг гул бўлиб ёғса осмонга.
«Ватан, Ватан, Сени севаман...» десанг
Ва ўзинг қўшилиб кетсанг Ватанга.

Куйласанг...
Куйингдан кулга айланса -
Эшитсанг қўшиқнинг титроқларини.
«Ватан, Ватан, Сени севаман...» десанг
Ва кўзингга суртсанг тупроқларини.

Куйласанг...
Қўшиғинг сени куйласа.
Севги маст айлаган ошиқларига.
«Ватан, Ватан, Сени севаман...» десанг
Дунёнинг жамики қўшиқларига.

Қўшиғинг нур бўлса, қўшиғинг-олов.
Ўзбекистон бўлсанг Ўзбекистонга.
«Ватан, Ватан, Сени севаман...» десанг
Ўзинг ҳам қўшилиб кетсанг Ватанга.

ҲОЛАТ

Бир ўзинг айланиб юрасан уйда,
На-да шеър ёзасан, ўқийсан китоб.
Ҳатто муҳаббат ҳам
Майда ва чуйда-
Телефон чақирса-бўласан хуноб.
Буюргин...
Юлдузни олайин юлиб,
Истасанг...
Йўлингга чиқаман пешвоз.
Шеър айтгин... эшитай кўзимни юмиб,
Қўшиқ айт ўзимга...
Юрагингни ёз.
Азизим, кўчангдан ўтаман беҳол -
Деразанг тамаки тутатар оғир.
Сезяпман - уйингда
Нимадир бўлган,
Сезяпман уйингда бўлган нимадир.
Ҳали ёқилмаган
Чироқ шифтингда,
Ўзин унутилган сезади ғариб.
Яшнаб кетар эди... гуллар
тафтингдан,
Наҳотки, улар ҳам қолган сарғайиб.
Наҳот бу - Сепмисан! кўзларим тинар,
Юзингда баҳор йўқ, уйғонар қаҳр.
Қара, деразангга шамол урилар,
Жоним!
Ҳозир ёға бошлайди ёмғир.

Илҳом

***

Тун ёзида қолсин...
Кундуз ҳам...
Ой ўзида қолсин...
Юлдуз ҳам...
Ўз жойида қолсин қаро ер,
Раббим, менга осмонингни бер.

Осмон бўлсам - ой менда бўлар,
Осмон бўлсам - ер менда бўлар.

Тун билан кун турар алмашиб,
Юлдузларим ётар қалашиб.

Чақмоқ турар пойимда ҳалак,
Бўрон бўлса - гирдикапалак.

Соғинмасдинг...
кузни, баҳорни -
Ёғдирардим - истасанг
қорни...
Шунча кунинг бормиди
бошда,
Раббим, сўзим қолмади
бошқа.
Мени чорла - ютмасидан ер,
Раббим, Раббим
осмонингни бер.

«МАҲАЛЛА МУРУВВАТИ»

корхонасида маҳалла болалари ўртасида ўтказилаётган «Футболимиз келажаги» республика кубоги турнири қатнашчилари учун арзонлаштирилган нархда мусобақа рамзи туширилган футбол кийимлари тайёрланмоқда.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Акмал Икромов
тумани, Меҳмондўст
кўчаси, 26-уй.

Телефонлар:
(8-3712) 47-83-03;
139-05-25;
136-71-88;
136-37-66.

КРОССВОРД

БЎЙИГА: 1. Турон маликаси. 2. Афсонавий мамлакат. 3. Игнанинг думи. 4. Олмос ўлчови. 5. Савдо-сотиқ. 6. Алоқа воситаси. 7. Солиқ (қад). 8. Қуш уйи. 9. Собиқ «Пахтакор»чи. 10. Танага санчилган кичик жисм. 12. Саноқ сон. 13. Қушлар исми. 15. Қадимий подшоҳ номи. 17. Мато парчаси. 18. Ёввойи болакай. 20. Бино. 23. Куй, оҳанг. 32. Инсон органи (ички). 33. Гул тури. 34. «Темир хотин» исми. 37. Йигитлар исми. 38. Дурадгор асбоби. 39. Рўзғор идиши. 42. Германиядаги дарё. 44. Мўйнали ҳайвон. 48. Тузли, тузи ўткир. 49. Ишора. 50. Давр бўлаги. 51. Африкада қўзғолончиларга бош бўлган халқ қаҳрамони. 52. Оға. 53. Пардоз анжоми. 54. Ука. 60. Аланга манбаи ёки йигитлар исми. 63. Фарзанд. 64. Экин, ўт (номи). 68. Келишувдаги талаб. 70. Амалдор вакил, йигитлар исми. 71. Сабзавот. 72. Йиртқич ҳайвон. 73. Ўзбек телесериалининг номи. 74. Новча эмас, паст бўйли. 76. Обид Асомовнинг «лотореяси». 77. Машҳур футболчи. 79. Гапга чечан. 80. Чўзилувчан матох (инсонлар ва автомобиллар учун ўта зарур). 81. Хавф. 83. Ёғоч чопганда учиб чиқаётган бўлакчалар. 84. Хомуш, эътиборсиз. 86. Йўлбошчи, бошлиқ. 87. Раҳмдил. 87. Кийим-кечаксиз. 92. «Хўп» (хорижий тилда), «Ҳа». 93. Қўл қисми. 94. Бебаҳо бойлик. 96. Самолёт русуми. 101. Нота. 103. Иморат. 105. Қурол у нарсасиз қурол эмас. 106. Нота.

ЭНИГА: 11. Қария. 14. Илонхўр жонивор. 15. Голландия. 16. Оловли жин. 19. Ҳужжат қоғоз. 21. Севги 22. Кўпчилик. 24. Мевали дарахт. 25. Одам. 26. Чолғу асбоби. 27. Қўшимча овоз, оҳанг. 28. Розилик, тобелик. 29. Тез қотувчи оқ кукун. 30. Фойдали ҳашорат. 31. Гапирма. 35. Масза қилиш. 36. Йигитлар исми. 37. Музлик. 40. Чиройли, кўркам қуш. 41. Металл. 43. Сув шўхлиги. 45. Улов. 46. Она (шевада). 47. Энг қадимий емиш, таом. 55. Эчки боласи. 56. Тўғри илдиз. 57. Жой, маскан. 58. Ҳарбий унвон. 59. Товуқ боласи. 61. Нон тури. 62. Шифокор. 65. Она (шевада). 66. 5 фарздан бири. 67. Тана аъзоси. 69. Падар. 71. Вақтни ўлчайдиган асбоб. 74. Мусиқалар орасидаги тўхталиш. 75. Спорт тури. 78. Бемор. 79. Бурж номи. 82. Тола берувчи экин. 84. Имом фармони, қарори. 85. Европадаги давлат. 89. Кеча. 90. Йигитлар исми. 91. Тансиқ таом. 95. Чолғу асбоби. 97. Ибодатхона (христианларники). 98. Ҳинду қабила. 99. Қурилиш ашёси. 100. Жангари фильм номи. 102. Улуғ мутафаккир, фалакшунос олим, ер юзаси ўлчамини аниқлаган. 104. Семиз. 106. Атлас шаҳри.



Шўрчи туман маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва фаоллари туман Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлинмаси раиси Ҳолмўмин НОРМАТОВга волидаи муҳтарамаси

ОБОД аянинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этадилар.

Чилонзор тумани 37-мактаб лицей томонидан 1996 йилда Арипов Азимжон Каримджанович номига берилган № 029406 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари, маҳаллалар аҳли ҳамда муҳтожларга хайрия этишни истаган саховатпеша тадбиркорлар

ДИҚҚАТИГА!!!

2001/02 ўқув йилига мўлжалланган мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари учун дарсликлар ва қўлланмалар ҳамда бадиий, саргузашт, иқтисодий, маърифий мавзудаги китоблар савдоси бошланди. Улгуржи харидорга дарсликлар учун чегирма (скидка) берилади. Сотиб олиш масалалари борасида қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 26. «Шарқ зиёкори» китоб дўкони.

Телефонлар: 133-35-90, 152-67-73, 133-58-72.

«Шарқ зиёкори» китоб дўконимизга хуш келибсиз!

ФМТ-1

АБОНЕНТЛИК Газета 148 Нашр индекси

MAHALLA

Обуна сони

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси. исми ва отасининг исми)

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси

п.в Жойи

148 Нашр индекси

MAHALLA

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2001 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга

MAHALLA

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Саҳифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
Д. БЕКМУРОДОВА

Газета таҳририят компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-2337 Топширилди—20.30